

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги
Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти
Тери ва таносил касалликлари кафедраси

Талаба мустақил ишини ташкил этиш,
назорат қилиш ва баҳолаш тартиби бўйича

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент
2006

ТАСДИКЛАЙМАН»

ТошПМИнинг Марказий Услубий Кенгаш
Раиси профессор А.И.Искандаров

«_____» _____ 2005й

***Тузувчилар: Тери ва таносил касалликлари кафедраси мудири,
профессор Шадиев Х.К., профессор Маннанов А.М.,
доцент Хаитов К.Н.***

Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2005
йил 21 февралдаги 34- сонли буйруги ва ТошПМИ талабасининг мустакил
ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тугрисидаги Низоми
асосида тузилган

**Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти
Тери ва таносил касалликлари фанидан
талаба мустакил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш
тартиби буйича**

У С Л У Б И Й К У Л Л А Н М А

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августидagi «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартини тасдиқлаш тугрисидаги» 343 – сон Қарорига мувофиқ кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1.2. Талабанинг мустақил иши укув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган укув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатдан таъминланади, ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

1.3. Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институтида Тери ва таносил касалликлари фанида талабанинг мустақил ишларининг умумий ҳажми 60 соатни ташкил этади.

1.4. Укув цикл якунида талабанинг **мустақил иши** бўйича тупланган рейтинг баллари унинг **ЖБ, ОБ** ва **ЯБ**лардан туплаган рейтинг баллари билан биргаликда гуруҳ рейтинг қайдномасида, талабанинг рейтинг дафтарчасида ва ўқиш якунида битирувчига тақдим этиладиган диплом иловасида қайд этилади.

II. Талаба мустақил ишининг мақсад ва вазифалари

2.1. Талаба мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян укув ишларининг мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва қуникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш қуникмаларига эга бўлиш;
- Қеракли маълумотларни излаб топиш, қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- Ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- Ананавий укув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- Электрон укув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- Интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- Беришган топшириқларни рационал ечимини белгилаш;
- Маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- Иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт ҳулосаси асосида қайта ишлаш;
- Топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш;

III Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари

3.1 Талаба мустақил ишини ташкил этишда Тери ва таносил касалликлари фанининг хусусиятларини, ҳар бир талабанинг академик

узлаштириш даражаси ва кобилиятини хисобга олган холда куйидаги шакллардан фойдаланилади:

**Куйидаги мавзуларни укув адабиётлар ёрдамида мустакил
узлаштириш:**

1. *Меъёр ва патологик терининг патоморфологияси.*
2. *Болалар териси тузилиши ва функцияларининг узига хос хусусиятлари.*
3. *Терининг аллергик касалликларида этиопатогенетик омиллар, клиник хусусиятлар, даволаш ва профилактика муолажалари.*
4. *Атопик дерматит ва кичима касалликларининг этиопатогенетик омиллари, таснифи, клиникаси, диагностикаси, даволаш ва профилактик чоралари.*
5. *Терининг йирингли касалликлари этиологияси, таснифи, кечиши, умумий ва маҳаллий даволаш принциплари.*
6. *Терининг замбуругли касалликлари, таснифи, клиникаси, диагностикаси, даволаш, профилактикаси.*
7. *Терининг вирусли ва паразитар касалликлари, клиникаси, диагностикаси, даволаш ва профилактикаси.*
8. *Псориаз ва кизил ясси темирлатки касалликлари этиологияси, патогенези, таснифи, кечиши, клиникаси, диагностикаси, даволаш.*
9. *Терининг улка касалликлари (витилиго, мохов, лейшманиоз) этиологияси, патогенези, классификацияси, клиникаси, диагностикаси, даволаш ва профилактикаси.*
10. *Терининг бириктирувчи тукима касалликлари (кизил югурук, склеродермия, дерматомиозит), этиологияси, патогенези, классификацияси, клиникаси, диагностикаси, даволаш ва профилактикаси.*
11. *Янги тугилган чакалоқдарнинг тери касалликлари, клиникаси, даволаш ва профилактикаси.*
12. *Терининг ирсий касалликлари (ихтиоз, тугма буллёз эпидермолиз, энтеропатик акродерматит) этиологияси, патогенези, классификацияси, клиникаси, диагностикаси, даволаш ва профилактикаси.*
13. *Терининг пуфакли касалликлари (чин акантолитик пурсилдок, учуксимон Дюринг дерматити), этиопатогенези, таснифи, клиникаси, диагностикаси, таккослов таъхиси, даволаш ва профилактикаси.*
14. *Заҳм, этиологияси, юкиш йуллари. Заҳмнинг умумий кечиши. Заҳм диагностика усуллари.*
15. *Бирламчи, иккиламчи, учламчи ва яширин заҳмга хос булган клиник ва лаборатор белгилар, таккослов таъхиси.*
16. *Тугма заҳм, таснифи, клиникаси.*
17. *Заҳмни даволаш ва профилактикаси.*
18. *Сузак, юкиш йуллари, таснифи, кечиши, клиникаси, даволаш ва профилактикаси. Киз болалар сузаги.*
19. *Орттирилган Иммун Танкислиги Синдроми, юкиш йуллари, таснифи, клиникаси, профилактикаси. ОИТСга оид касалликлар.*

Куйидаги мавзулар буйича ахборот (реферат) ёки такдимот тайёрлаш:

1. Тери касалликларини умумий ва маҳаллий даволаш принциплари.
2. Тери касалликларига таъхис қўйиш диагностик усуллари ва синамалар.
3. Уткир эшакем. Квинке шиши.
4. Токсидермия. Лайелл синдроми
5. Чакалоқлар юқумли чилла яраси.
6. Сурункали ярали пиодермия.
7. Сурункали таркок гранулематозли кандидоз.
8. Кутирнинг атипик шакллари.
9. Псориазнинг атипик шакллари.
10. Псориазни замонавий даволаш усуллари.
11. Тери лейшманиозининг кишлоқ клиник шакли, даволаш ва профилактикаси.
12. Витилигони даволашнинг замонавий усуллари.
13. Алопеция, таснифи, клиникаси, даволаш усуллари.
14. Себореяли дерматит.
15. Терининг ирсий касалликлари.
16. Учуксимон Дюринг дерматити.
17. Бирламчи захм, каттик шанкрнинг гайритабиий шакллари ва асоратлари.
18. Бирламчи, иккиламчи ва учламчи захмда таккослов таъхиси.
19. Захм диагностикаси.
20. Сузак, этиологияси, клиник шакллари.
21. Орттирилган Иммуни Танкислиги Синдроми.

Амалий машгулотларга тайёргарлик қўриш:

- Хар бир нозологик бирлик этиопатогенези, таснифи, клиникаси, лаборатор курсаткичлари ва диагностик усул ва синамаларни таъхил қилиш
- Куйидаги Талаба Клиник Фикрлашини Баҳолаш Варакасини (ТКФБВ) тулдириш:

1. Уткир эшакем. Квинке шиши.
2. Атопик дерматит, лихеноид шакли..
3. Токсикодермия. Лайелл синдроми.
4. Болалар кичимаси.
5. Чакалоқлар юқумли чилла яраси.
6. Псевдофурункулёз.
7. Фурункулёз.
8. Гидраденит.
9. Стрептококкли импетиго.
10. Стрептококкли эктима.
11. Ранг-баранг темиртки.
12. Оёк кафти эпидермофитияси, интертригиноз шакли.
13. Бош сочли қисми маддали-йирингловчи трихофитияси..
14. Оддий учук.
15. Белбогсимон учук.
16. Юқумли моллюск.

17. *Кутир.*
18. *Псориаз, прогрессив боскичи.*
19. *Кизил югурук. Дискоид клиник шакли.*
20. *Склеродермия.*
21. *Тери лейшманиози. Кишлок клиник шакли.*
22. *Витилиго.*
23. *Мохов, моховсимон клиник шакли.*
24. *Чин пурсилдок.*
25. *Учуксимон Дюринг дерматити.*
26. *Энтеропатик акродерматит.*
27. *Ихтиоз.*
28. *Тугма пуфакли эпидермолиз.*
29. *Бирламчи захм.*
30. *Иккиламчи кайталама захм.*
31. *Учламчи захм.*
32. *Эрта тугма захм.*
33. *Уткир янги сузак.*
34. *Сурункали тотал гонококкли уретрит.*

Интерактив усулларни сценарийсини тузишда, жадвал, схема, таркатма материал тайёрлашда иштирок этиш

Илмий макола, анжуманга тезис, маъруза тайёрлаш

3.2. Укув фанлари буйича намунавий ва ишчи дастурларда талаба мустакил ишининг шакли, мазмуни ва хажми ифода этилади.

3.4. Мустакил ишни бажариш учун фанлар буйича зарурий Талаба мустакил иши учун ажратилган вақт бюджетига мос равишда ҳар бир фан буйича тегишли кафедраларда мустакил иш бажарилишига курсатма ва тавсиялар, ташкилий шакллари, топшириқлар вариантлари, ахборот манбаалари ва рейтинги акс этилган **методик кулланма ТошПМИнинг Марказий услубий кенгашида тасдикланади.**

IV.Талаба мустакил ишининг ахборот таъминоти

4.1. Талаба учун Тери ва таносил касалликлари буйича мустакил ишни турлари, олиб борилиши ва назорати буйича кулланма кафедра мудири ва тажрибали доцент томонидан укув машгулотларини бевосита олиб боровчи уқитувчи билан биргаликда тузилди ҳамда кафедра мудири томонидан тасдикланди. Талабага берилган топшириқда мустакил ишни бажариш буйича дастлабки курсатма ва тавсиялар қайд этилди.

Мустакил ишни бажариш учун талабага бериладиган ахборот манбаа:

Асосий адабиёт:

1.*Кожные и венерические болезни*

Ю.К.Скрипкин 2000, Москва

2.*Руководство по детской дерматовенерологии*

Ю.К.Скрипкин, Ф.А.Зверькова, Г.Я.Шарапова

- 1983, Москва, Медицина
3. Тери ва таносил касалликлари, 1993, Тошкент
4. Тери ва таносил касалликлари, С.С.Арифов, Э.Х.Эшбаев, 2000, Тошкент

Кушимча адабиёт:

4. Сифилис, А.Н.Родионов, 2000, Москва
5. Захм, С.С.Арифов, Тошкент, 2001
6. Эволюция сифилиса, М.В.Милич, 1987, Москва
7. Дерматология (атлас-справочник), Т.Фитцпатрик и др., 1999, Москва
8. Кожа, А.А.Чернух, Е.П.Фролов, 1982, Москва
9. Диагностика и лечение кожных болезней, В.В.Владимиров, 1995, ТОО МЕДТЕХСЕРВИС

CD-дисклардаги ахборот ва дарсликларнинг электрон версиялари:

1. Псориаз
2. Грибковые заболевания кожи
3. Сифилис
4. СПИД

Укув - методик кулланмалар:

1. Алопеция, Тошкент, 2003
2. Терининг пуфакли касалликлари, Тошкент, 2004
3. Янги тугилган чакалокларнинг тери касалликлари, Тошкент, 2004
4. Синдром Приобретенного Иммунного дефицита, Тошкент, 2002
5. Энтеропатический акродерматит, Тошкент, 2004
6. Врожденный буллезный эпидермолиз, Тошкент, 2004
7. Грипп ва уткир респиратор вирусли инфекцияларнинг клиникаси, таъхиси, давоси, профилактикаси. Тошкент, 1999
8. Витилиго у детей. Тошкент. 2005.
9. Коррегирующая терапия детей больных витилиго. 2005.

Таркатма материал

(барча педагогларнинг мавзувий папкасида мавжуд)

1. Тери ва таносил касалликлари фанининг рейтинглари
(R = ЖБ+ОБ+ЯБ)
2. Талаба мустақил ишининг рейтинглари
3. Марузалар ва Амалий машгулотлар календар-мавзувий режаси
4. Талабалар тулдириши шарт булган ТКФБВнинг руйхати
5. Талабалар урганиши шарт булган амалий куникмалар руйхати
6. Фан буйича даволаш ва таъхис куйиш стандартлари
7. Жадвал, схема, текст, классификация, маколалар

Маърузалар матни банки
(ТошПМИ Кутубхонасининг укув залида ва кафедрада мавжуд)

Тавсия этиладиган Илмий ва оммавий даврий нашрлар
(ТошПМИ Кутубхонасининг укув залида мавжуд):

1. *Новости дерматовенерологии и репродуктивного здоровья*
2. *Вестник дерматологии и венерологии(Москва)*
3. *Педиатрия (Москва)*
4. *Педиатрия (Узбекистон)*
5. *Клиническая дерматология и венерология(Москва)*
6. *Аллергология*
7. *Медицинский журнал Узбекистана*

Интернет тармогидаги Тери ва таносил касалликлари фанига тегишли
маълумотларни олиш мумкин бўлган ресурслар:



Газета ва журналлар, тиббий адабиёт,
маълумотномалар

- www.rmj.net - Русский медицинский журнал
- www.medport.ru/medpb/ - Медицина Петербурга
- www.infoart.ru/med/index.htm - "Доктор", журнал для практикующих врачей
- www.mobile.ru - Электронная версия журнала "Мобиле", медицинская страница
- www.mr.ru - Московский Медицинский рынок
- www.pharmamed.ru/mg - "Медицинская газета"
- ["Клиническая фармакология"](#) - медицинский справочник, издательство "Универсум Паблишинг".

Журналы издательства "Медиа Сфера":

- www.mediasphera.aha.ru/cardio/card-mn.htm - Кардиология
 - www.mediasphera.aha.ru/surgery/surg-mn.htm - Хирургия.
- Журнал им. Н.И.Пирогова
- www.mediasphera.aha.ru/antibiot/antb-mn.htm - Антибиотики и химиотерапия
 - www.mediasphera.aha.ru/neurol/neur-mn.htm - Журнал неврологии и психиатрии им. С.С.Корсакова
 - www.mediasphera.aha.ru/pediatr/ped-mn.htm - Российский вестник перинатологии и педиатрии
 - www.mediasphera.aha.ru/dermatol/derm-mn.htm - Вестник дерматологии и венерологии
 - www.mediasphera.aha.ru/mjimp/mjimp-mn.htm - Международный журнал медицинской практики
 - www.fairplast.spb.ru/mworld/index.html - "Мир медицины"

Инглиз тилидаги баъзи бир ресурслар

Путеводитель по англоязычным медицинским ресурсам (перевод на русский)

- Medical Matrix: Guide to Internet Clinical Medicine Resources
- **Медицинская матрица** (указатель мед. ресурсов Интернета, руссифицированный вариант)
- U.S.National Library of Medicine (Американская медицинская библиотека)
- MedExplorer - search engine for medicine related information (поиск медицинской информации)
- WebDoctor - the Internet navigator for physicians (поиск медицинской информации)
- Free MedLine access (биомедицинская база данных)

4.2 Мустакил ишни турлари, олиб борилиши ва назорати буйича кафедра тайёрлаган кулланмасида мустакил ишларни бажариш учун зарурий ахборот манбаа ва воситалари белгиланади.

4.3. ТошПМИ рахбарияти томонидан талабаларга мустакил ишларни уз вақтида бажариш учун лингофон синфлар, компьютер техникаси ва Интернет тармогидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиб берилади.

V. Талаба мустакил ишини назорат қилиш ва баҳолаш

5.1. Тери ва таносил касалликлари фани буйича талаба мустакил ишига раҳбарлик қилиш юкламаси (ишчи укув режасининг ташкилий-услубий булимида (1540 соат доирасида) қайд этилади.

Талаба тулдирган Талабалар клиник фикрлаш варакалари назоратига ажратилган соатлар, профессор-укитувчи шахсий иш режасининг укув ишлари булимида қайд этилади.

5.2. Талаба мустакил ишига рахбарлик килиш, кафедрада тузиладиган ва укув булими томонидан тасдикланадиган жадвали асосида, машгулотларини бевосита олиб боровчи уқитувчи томонидан амалга оширилади.

5.3 Талабанинг мустакил иши, Тери ва таносил касалликлари фанининг ишчи дастурида ажратилган 57 соатга мос рейтинг баллари билан баҳоланади ва натижаси Тери ва таносил касалликлари фани бўйича талабанинг умумий рейтингига киритилади.

Талабанинг рейтинг курсаткичлари, шу жумладан мустакил иши бўйича, анъанавий «Узлаштириш экранида» ёритиб борилади.

5.4. Тери ва таносил касалликлари кафедраси томонидан Талаба мустакил ишини назорат килиш турлари ва уни баҳолаш меъзонлари белгиланади, Илмий кенгашда тасдикланади. Мустакил ишларни баҳолаш меъзонлари талабаларга укув йили (семестри) бошланиши олдида методик материаллар билан биргаликда тарқатилади.

5.5. Мустакил иш бўйича белгиланган максимал рейтингининг 55% дан кам балл туплаган талаба Тери ва таносил касалликлари фани бўйича ЯБга қуйилмайди.

5.6. Талабаларнинг мустакил ишлари бўйича узлаштириши мунтазам равишда талабалар гуруҳларида, кафедра йигилишлари ва Илмий кенгашда муҳокама этиб борилади.

5.7. Талабанинг мустакил иши кафедра архивида рўйхатга олинади ва укув йили мобайнида сакланади.

5.8. Тери ва таносил касалликлари фанидан мустакил ишлари юкори даражада баҳоланган талабаларнинг маънавий ва моддий жихатдан рағбатлантирилиши кафедра томонидан ТошПМИ Деканат ва Ректоратига тавсия этилади.

Талабаларнинг Тери ва таносил касалликлари фанидан
муस्ताкил ишини баҳолаш бўйича
Р Е Й Т И Н Г
(100 балл =100%)

КУНДАЛИК БАЛЛАР (55% дан 85% гача):

ТКФБВ учун - 1 балл х 11+2 балл х 17 = 45 балл

Амалий куникмалар учун - 1 балл х 21 + 2 балл х 3= 27 балл

Бемор курацияси кундалиги учун - 1 балл х 13 = 13 балл

БИР МАРТАЛИК БАЛЛАР (5% дан 15% гача):

жадвал ёки реферат ёки сценарий учун - 5 балл

такдимот учун - 10 балл

тезис учун - 10 балл

мақола учун - 15 балл

№	Амалий машгулот (мавзу)	ТКФБВ 45 балл	Амалий куникмалар 27 балл	Кура- ция 13 балл
1.	Дерматозларнинг умумий патоморфологияси. Бирламчи ва иккиламчи морфологик тошмалар.		1 балл намлаш усули, 1 балл маҳаллий даволаш принциплари	
2.	Терининг аллергиясиз касалликлари	2 балл токсидермия, 2 балл уткир эшакими	1 балл тери аллергиясиз синамалари	1 балл
3.	Атопик дерматит, болалар кичимаси	2 балл атопик дерматит, 2 балл строфулюс	1 балл Дермографизмни аниклаш	1 балл
4.	Терининг йирингли касалликлари	1 балл чипкон, 1 балл импетиго	1 балл Йирингли касалликларни маҳаллий даволаш	1 балл
5.	Терининг замбуругли касалликлари	1 балл ранг-баранг темиртки, 2 балл трихофития, 1 балл эпидермофития	1 балл Бальцер, Бенъе синамалари, 1 балл Вуд лампаси	1 балл
6.	Терининг вирусли ва паразитар касалликлари	1 балл оддий учук, 1 балл белбогсимон учук, 2 балл кутир	1 балл Горчаков-Арди белгиси, 1 балл Демьянович усули	1 балл
7.	Псориаз, кизил ясси темиртки	2 балл псориаз, прогрессив боскич	1 балл псориастик учлик, 1 балл Кебнер феномени, 1 балл Уикхем белгиси	1 балл
8.	Лейшманиоз, мохов, витилиго	2 балл лейшманиоз, кишлок клиник шакли	2 балл Минор, гистамин ва лепромин синамалари	1 балл
9.	Кизил югурук, склеродермия, дерматомиозит	2 балл кизил югурук, дискоид клиник шакли	1 балл Бенъе-Мещерский белгиси	1 балл
10.	Янги тугилган чакалоқларнинг тери	2 балл Себореяли дерматит	1 балл себореяли дерматитни маҳаллий	1 балл

	касалликлари		даволаш	
11.	Терининг ирсий касалликлари	2 балл ихтиоз, 2 балл энтеропатик акродерматит	1 балл буллёз эпидермолизни маҳаллий даволаш	1 балл
12.	Чин пурсилдок, Дюринг учуксимон дерматити	2 балл оддий акантолитик пурсилдок, 2 балл Дюринг учуксимон дерматити	1 балл Никольский белгиси, 1 балл Ядассон синамаси	
13.	Захмнинг умумий кечиши, бирламчи захм	2 балл бирламчи захм(серонегатив, серопозитив)	1 балл Каттик ярадан суртма олиш	1 балл
14.	Иккиламчи, учламчи, яширин захм	2 балл иккиламчи кайталама захм	2 балл серологик реакция натижаларини баҳолаш	1 балл
15.	Тугма захм	2 балл захм чилла яраси, 1 балл кеч тугма захм	1 балл пуфаклардан суртма олиш	1 балл
16.	Захмни даволаш ва профилактикаси		1балл Икки лахзалик инъекция килиш	
17.	Сузак	1 балл уткир сузак уретрити, 1 балл сурункали тотал сузак уретрити	2 балл Томпсон синамаси, суртма олиш	
18.	ОИТС	1 балл ОИТС		
19.	ОИТСга оид касалликлар	1 балл ОИТСда кандидоз		
1.	ЯБ			